



2020 yil "13" uydı

№ 168-F

Guliston sh.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддаси ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2020 йил 25 майдаги 25/07-6-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда Мирзаобод тумани ҳокимлигининг 2020 йил 10 июлдаги 1/01-1042-сонли хатини инобатга олган ҳолда:

1. “Сардоба сув омбори”да юзага келган фавқулодда ҳолат оқибатлари натижасида Мирзаобод тумани “Хақиқат” МФЙдаги “Солин” қишлоғидаги аҳолининг ички йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларини бошлаш учун 50,0 (эллик) млн. сўм, тоза ичимлик суви тармоғини ўтказиш ишларини бошлаш учун 50,0 (эллик) млн. сўм ҳамда “Хақиқат” МФЙ худудида кўчма тиббий ёрдам хизматини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар учун 250,0 (икки юз эллик) млн. сўм жами 350,0 (уч юз эллик) млн. сўм маблағ вилоят маҳаллий бюджети даромадларининг I чорак режасидан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан Мирзаобод туман маҳаллий бюджетига ажратилсин.

2. Мирзаобод тумани ҳокими (Ҳ.Абдуллаев)га ажратилган маблағни аниқ ҳисоб-китоблар асосида мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминласин.

3. Вилоят молия бош бошқармаси (А.Рахимов)га бюджет параметрларига тегишли ўзгартириш киритиш, вилоят бўйича ғазначилик бошқармаси (Ғ.Тўйчиев)га маблағни мақсадли ишлатилишини назорат қилиш, давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (Д.Бозоров)га ажратилган маблағни мақсадли ва самарали ишлатилиши юзасидан якуний текшириш ўтказиш вазифаси топширилсин.

4. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Каримов ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Ж.Ибраҳимовлар зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



F. Мирзаев